O`zingni angla!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 42-43 (553)
2007-yil
10-oktabr

Газетамизга 2008 йил учун обуна бошланди. Муштарийларимиз сафида бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ⊃ Chorshanba kunlari chiqadi ⊃ E-mail: hurriyat@mail.ru ⊃ http://www.hurriyat.uz

## Бугунги журналист масъулияти

**У, албатта, биринчи навбатда Ватанимизнинг буюк келажагини, юртимизнинг порлоқ истиқболини, бугунги ўзгаришларини, эртанги ёруғ манзилларимизни қалб-шууридан ўтказиб беҳаловат яшамоғи, ёниб ижод қилмоғи шарт.**



➪ 2-бет

## Қимматга тушган ғирромлик

**Siemens билан боғлиқ жиноий иш Европанинг яқин тарихидаги энг йирик маҳкама жараёни бўлиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, йирик концернга қарашли ўнлаб бўлинмаларнинг бирин-кетин терговга жалб этилаётгани бу жараён ҳали-бери тўхтамаслигидан далолат бермокда.**




➪ 5-бет

## Абадий барҳаёт шаҳар

**Ҳа, солномаларда бундан 3 минг йиллар олдин қайд этилган, тараққий этган, цивилизацияга эришган кент сифатида эса 2750 йиллик шаҳар бугун озод ва обод юртимиз чиройига кўрк бўлиб бардам яшамокда.**



➪ 8-бет

***23 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни***

# ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ: ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРГА СОДИҚЛИК ИФОДАСИ

*Мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Буни биз жамиятимизда юз бераётган кенг кўламдаги сиёсий ўзгаришлар ва бу жараёндаги фаол ижтимоий ҳаётимиз мисолида аниқ тасаввур қилишимиз мумкин.*

*Ҳозирги вақтда мамлакатимиз яна бир катта сиёсий воқелик арафасида турибди. Бу шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловдир.*

*"Hurriyat" мухбирининг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси* **Мирзоулуғбек Элчиевич АБДУСАЛОМОВ** *билан суҳбати Президент сайловини ўтказишни тартибга солувчи ҳамда фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатларига оид миллий қонунчилигимиз моҳияти ҳақида кечди.*

**— Мирзоулуғбек Элчиевич, суҳбатимизни аввало Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишни тартибга солувчи миллий қонунчилигимизнинг баъзи асосий қоидалари моҳиятидан бошласак.**

— Аввало шуни таъкидлаш лозимки, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришни сайловларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умиди, ижтимоий кайфияти яққол намоён бўлади.

Икки палатали парламентга ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган очиқ ва ошкора сайловлар том маънодаги демократик давлат ва фуқаролик жамиятига хос бўлган муҳим воқеалардир.

Охирги йилларда жамиятда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, уларнинг омма орасидаги мавқеини мустаҳкамлаш ва нуфузини оширишга қаратилган кенг миқёсдаги тадбирлар амалга оширилди.

Фуқароларнинг онгу тафаккурида чинакам ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига жорий йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтадиган сайловнинг ҳам муҳимлиги шундаки, ушбу тадбирни амалга ошириш билан Ўзбекистон давлати ўз олдига қўйган мақсадларига, қабул қилган Конституциясига, демократик жамият қуриш бўйича олиб бораётган йўлига содиқлигини дунё ҳамжамияти ва халқимиз олдида яна бир карра намойиш этмоқда.

Шу ўринда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, эркин демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга доир 30 дан ортиқ халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги ва мазкур ҳужжатлардаги асосий принципларнинг барчаси миллий сайлов қонунчилигимизда ўз ифодасини топганлигини қайд этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида 18 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга бўлган муносабати, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирор бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва ўтказиш Марказий сайлов комиссияси, Президент сайлови округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилади. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик, адолатлиликдан иборат.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирларнинг календарь режаси ҳаракат дастури тасдиқланди.

**— Кимлар Президентликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга?**

— "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш учун камида уч юз нафар сайловчидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши зарур.

Президентликка номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди. Номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тугалланади. Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олинган номзодлар ҳақидаги маълумотларни 23 ноябргача бўлган муддатда эълон қилади.

**— Сайловолди ташвиқоти қачон бошланади?**

— Сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Номзодларга, сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади.

**— Президентликка номзодларнинг умумий сони чекланганми?**

— "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ номзодларнинг умумий сони чекланмайди. Юқорида таъкидланганидек, мазкур Қонуннинг 24-моддасига биноан Президентликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар.

**— Сайлов жараёнида ижтимоий сўровларнинг маълумотлари тарқатиладими? Сайловчилардан улар кимга овоз берганликларини сўраш мумкинми?**

— Бунга йўл қўйилмайди. Чунки бу овоз беришнинг яширинлиги принципи ва сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришларига зиддир.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет тармоғига) жойлаштириш мумкин эмас.

Давоми 2-бетда.

Арафа



ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) МАЖМУИ.

# ҚАЛБИМИЗНИНГ НУРИ

Рамазони шариф ойида бизга буюрилган рўза фақат шаклий, яъни саҳардан то шомгача таомланмасдан юриш, ношаърий муносабатларни тарк қилишдан иборат бўлмай, балки ундан кўзланган асл мақсад руҳиятни поклаш, тақвони мустаҳкамлаш — кечаю кундуз барча ҳис-туйғуларни жами ножоизликлар, ёмон, ақлга уйғун бўлмаган нарсаларни зоҳирда бўлганидек, ботиний ҳам тарк этмоқликдир. Шундагина рўзанинг маъносига етишга, унинг маънавий тарбиясини олишга муваффақ бўлинади. Аллоҳ таоло ўз муқаддас каломи — Қуръони каримда: "Рўза Мен учундир, мукофотини Мен бераман", дея марҳамат айлагани мана шунинг учун бўлса не ажаб. Биз ана шундай муборак ва қадри ниҳоятда улуғ бир ойни кечирмокдамиз. Унинг муборaклиги яна шундаки, ҳазрати Абу Ҳурайра (р.а.)-дан ривоят қилинган ҳадисда келтирилади: "Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: "Рамазон" деманглар. Чунки Рамазон Ҳақ таолонинг исмларидан биридир. "(Муборак) Рамазон ойи" денглар". (Байҳақий ва Ибн Адий ал-Комил ривояти).

30 кунлик рўза қанчадан-қанча инсонларнинг иродасини, нафсини тарбиялайди. Байрамни эса шодлигу қувончлар билан қарши оламиз. Биз нафсимиз тарбияси билан ҳам машғул бўламиз. Бунинг оқибати ўлароқ, қалбимизга фараҳлик, нур киради. Гўзал сифатларга эришамиз. Ушбу гўзал сифатларимизни эса бундан кейинги кунларда асраш биз учун муҳим ишдир. Чунки Рамазон ибодатлари қабул бўлиши инсоннинг бу ойдаги гўзал ҳолатидан кейин ҳам давом этишида кўринади, дейди ориф зотлар.

Дарҳақиқат, минг бора шукрларким, юртимизда халқимиз бутун ислом оламидаги мамлакатлардаги сингари ҳамиша ва ҳар йили ҳам муборак Рўза ойини чин ихлос билан ўтказади. Мана Ийд-Рамазон кунини нишонлашимизга саноқли кунлар қолди.

Муқаддас динимиз, миллий қадриятларимиз нечоғли улуғланаётгани бир бўлса, улуғ пири-комиллар, азиз авлиёларнинг хоки пойлари, азиз қадамжоларига чуқур ҳурмат, эътибор юксаклиги — мамлакатимизнинг истиқлоли шарофати туфайлидир, албатта. Зеро, жорий йилда Ватанимиз остонаси — Тошкентнинг "Ислом маданияти пойтахти" деб эълон қилинишида ҳам катта маъно, улуғ эътироф мавжуд.

Эзгу тилагимиз — юртимизнинг эртаси янада ёруғ, халқимизнинг толеи бундан-да сарбаланд бўлсин.

Муқаддас айёмларимиздан бири — Ийд-Рамазон байрами ҳаммамизга қутлуғ бўлсин!

**Иноят УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**илмий-тадқиқотчи.**

# ОАВ ва суд-ҳуқуқ тизими

## халқаро анжуман улар ўртасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланди

*Куни кеча пойтахтимиздаги "Дедеман" меҳмонхонасида "Оммавий ахборот воситаларида суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ёритилишини такомиллаштириш масалалари" мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Германиянинг техникавий ҳамкорлик жамияти ҳамда ЕвропЭйд дастури доирасида "ЕИ билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик ва шерикчилик тўғрисидаги битимни амалга оширишга кўмаклашиш" лойиҳаси иштирокида ташкил этилди.*



Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари Хуршид Дўстмуҳамедов кириш сўзи билан очди.

— Конференцияни ўтказишдан мақсад Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган муҳим ўзгаришлар ҳақида фуқароларга ахборот бериш механизмларини такомиллаштиришнинг долзарб жиҳатларини муҳокама қилиш, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши ва ўлим жазосининг бекор қилиниши моҳиятини халқимизга тушунтириш борасида янги ёндашувларни ишлаб чиқиш, судлар ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали усулларини амалиётга жорий этиш ҳамда ислоҳотлар самарадорлигини ўз вақтида объектив тарзда кўрсатишга эришиш ва таҳлил этишдан иборатдир, — дейилди.

Дарҳақиқат, "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларининг қабул қилиниши мамлакат суд-ҳуқуқ тизимини изчил ислоҳ қилиш йўлида навбатдаги қадам бўлди. Миллий қадриятлар билан ҳамоҳанг тарзда қабул қилинган, умумий демократик қадриятларга асосланган бу муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар кўпгина мамлакатларда ижобий баҳоланди.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб суд-ҳуқуқ тизимини изчил ислоҳ қилиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бу ўринда мазкур ислоҳотлар моҳиятини, унинг мақсад ва вазифаларини, халқаро андозаларга мос келишини жамиятнинг барча қатламлари ўртасида собитқадамлик билан ва мунтазам тарзда тушунтириб бориш шубҳасиз алоҳида аҳамиятга эга.

Шунингдек, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини ёритиш борасида миллий амалиёт ва хорижий тажрибани ўрганиш йўли билан оммавий ахборот воситалари фаолиятида янги тамойилларни жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

— Бугун ОАВда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни ёритишга жиддий аҳамият берилмоқда, — деди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Мавжуда Ражабова. — Лекин «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг ўтказган мониторинги натижаларидан ҳам кўриниб турибдики, берилаётган материаллар асосан ахборот аҳамиятига эга. Таъсирчанлик ва самарадорликни ошириш учун таҳлилий материалларга кенгроқ ўрин бермоқ лозим. Суд-ҳуқуқ тизимида узоқ йиллар фидойиларча меҳнат қилиб келган юртдошларимизнинг ибратли ҳаёт йўли ва тажрибалари ОАВ орқали тарғиб қилинса, нур устига нур бўлар эди.

ОАВнинг мазкур йўналишдаги мавжуд амалий иш тажрибаси, транспарентлик ва турли суд органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотларнинг холислиги жиҳатлари таҳлил қилинди, судларнинг босма ва электрон ОАВ билан ўзаро ҳамкорлигининг янги механизмларини ишлаб чиқиш, улар ўртасида доимий ҳамкорликни кучайтириш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, анжуман қатнашчилари Германия ва Россиядан ташриф буюришган экспетрларнинг сермазмун маърузаларини тингладилар. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов "Электрон оммавий ахборот воситаларида суд жараёнининг ёритилиши: тажриба, амалиёт ва янгича ёндашувлар" мавзусида ўз фикрларини билдирди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, Олий суд, Олий хўжалик суди, ОАВ вакиллари сўзга чиқиб, ўз чиқишларида олиб борилаётган ишлар ва галдаги муҳим вазифалар, амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳоти самарадорлиги ҳақида халқимизни тўлиқ ва ўз вақтида хабардор қилиб бориш юзасидан аниқ таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

**Улуғбек МАҲКАМОВ**

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ:

# ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРГА СОДИҚЛИК ИФОДАСИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

**— Аксарият ҳуқуқшунослар, нуфузли халқаро экспертлар Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари мукаммал тарзда кафолатланганлигини эътироф этишади. Сизнингча, буни нималарда кўриш мумкин?**

— Конституциямизда, "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қатор қонунларимизда фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари ўз ифодасини топган.

Бироқ энг муҳим жиҳат шундаки, айнан "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги (1994 йилда қабул қилинган) Қонун аксарият мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда амал қилади. Мазкур Қонун фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига оид барча умум эътироф этилган қоидаларни ўзида акс эттирган.

Хусусан, Қонунга мувофиқ фуқароларнинг Конституция ва бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасидадир. Улар ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, иркий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Шунингдек, сайловчилар умумхалқ овозига қўйилган қарорларни, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига кўрсатилган номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқига эга.

Муҳим кафолатлардан яна бири Қонуннинг 21-моддасида аниқ ифодаланган. Куч ишлатиш, алдаш, қўрқитиш орқали ёки бошқа йўллар билан фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, сайловолди ташвиқоти олиб боришдан иборат ҳуқуқларидан фойдаланишларига тўсқинлик қилиш, шунингдек, ҳужжатларни сохталаштириш, овозларни атайин нотўғри санаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонунни турли тарзда бузиш мавжуд қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

**— Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш Марказий сайлов комиссияси билан бирга округ ҳамда участка сайлов комиссиялари томонидан олиб борилади. Ҳозирда округ ва участка сайлов комиссияларини ташкил этиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Тўғри таъкидладингиз. Қонунга мувофиқ Президент сайловини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари ташкил қилади. Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 5 октябрь куни бўлиб ўтган мажлисида кўрилган асосий масалалардан бири сайлов округларини ташкил қилиш бўлди.

Сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар чегаралари доирасида ташкил қилинди ҳамда уларга ном ва тартиб рақами берилди. Шу билан бирга сайлов округларининг рўйхатлари, сайловчилар сони ҳамда округ сайлов комиссиялари қаерда жойлашганлиги кўрсатилган ахборот республика матбуотида эълон қилинди.

Эндиликда биз округ сайлов комиссиялари таркибини тасдиқлаб, уларнинг фаолиятини йўналтириб борамиз. Бундан ташқари, округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссияларининг ташкил қилиниши, уларнинг бинолар, зарур техник воситалар ва жиҳозлар билан таъминланишига кўмаклашамиз.

**— Бу йилги сайловда бирор-бир ўзгартиш ва янгиликлар жорий қилинадими?**

— Сўз аввалида айтилганидек, мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг сайлов тўғрисидаги қонунчилиги мукаммал тарзда шакллантирилди. Шу боис, сайлов ана шу қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз амал қилган ҳолда демократик тартибда ўтказилади.

**— Кузатувчиларнинг иштироки, ошкоралик қандай таъминланади?**

— Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайловчилар овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида 13 декабрга қадар хабардор қилинадилар.

Марказий сайлов комиссияси фуқароларни ўз фаолияти ҳақида, сайлов комиссияларининг ташкил этилиши, сайловда иштирок этувчи сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари ҳақидаги маълумотлардан хабардор этади; Президентликка номзодлар хусусидаги, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақидаги маълумотларни эълон қилади. Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссиясининг матбуот маркази, интернет тармоғидаги веб-сайти **(www.elections.uz)** ҳамда электрон почтаси **(saylov@elections.uz)** фаолият кўрсатиши, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўртасида сайлов жараёнларини холисона ёритишга оид келишув битими тузилгани ҳамда оммавий ахборот воситаларининг иштироки билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг ошкоралиги ва очиқлиги таъминланаяпти.

**— Сайлов кампанияси жараёнида оммага муҳим ахборот ва маълумотлар етказувчи манба сифатида оммавий ахборот воситалари вакилларига катта масъулият юкланади. Сайлов жараёнларини ёритиш истагида бўлган журналистларни Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олиш тартиби ҳақида ҳам маълумот бериб ўтсангиз.**

— Ҳа, албатта, миллий қонунчилигимизда сайлов жараёнида оммавий ахборот воситаларининг роли унинг вазифалари ва масъулиятига кенг ўрин берилган. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси ОАВлари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

Фурсатдан фойдаланиб, журналистларимизга Марказий сайлов комиссияси қошида ОАВ вакилларини аккредитациядан ўтказиш бўйича комиссия тузилганлигини маълум қилмоқчиман. Республика ОАВ мухбирлари рўйхатдан ўтиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: Марказий сайлов комиссияси раиси номига ариза, рўйхатдан ўтказилиши сўралган мухбир ҳақида маълумотнома, 4 дона 3x4 ҳажмдаги фотосурат.

Хорижий ОАВ мухбирлари юқоридагиларга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигидан аккредитациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхасини ҳам тақдим этишлари лозим.

Шуни қайд этиш ўринлики, Марказий сайлов комиссияси томонидан мухбирларни рўйхатга олиш жараёнини енгиллаштириш мақсадида ҳужжатларни қабул қилиш қатъий муддат ва бошқа талаблар билан чекланганн йўқ.

**— Сайловда илк бор иштирок этувчи сайловчиларга сайлов ҳуқуқларини тушунтириш юзасидан Марказий сайлов комиссияси қандай ишларни амалга оширишни назарда тутган?**

— Бугунги кунгача расман Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотларга кўра, мамлакатимиздаги сайловчиларнинг умумий сони ўн олти миллион икки юз тўқсон етти минг тўрт юз (16 миллион 297,4 минг) киши.

Ўн саккиз ёшга тўлган ва сайловда биринчи марта иштирок этадиган сайловчилар сони 2 миллионга яқин, биз улар ҳақида аниқ маьлумотларни тўплаяпмиз. Чунки 19, 20 ёшдагилар ичида ҳам фуқаролар биринчи марта ўз конституциявий сайлов ҳуқуқини эркин амалга оширадилар.

Айтиш мумкинки, сайловчиларнинг, хусусан, сайловда илк маротаба иштирок этадиган ёшларнинг сайлов тўғрисидаги билимларини ошириш Марказий сайлов комиссиясининг доимий эътиборида бўлиб келган. Сайлов қонучилигининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларимизда, турли ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, маҳаллаларда ўтказиладиган мулоқотларимизда асосий эътиборни сайлов қонунчилиги моҳиятини кенг оммага, хусусан, ёшларимизга етказишга қаратамиз.

Бу борада турли давлат ва нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, ўқув юртлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу галги сайлов жараёнида мазкур ҳамкорликни янада жонлантириш, самарадорлигини ошириш бўйича Марказий сайлов комиссияси томонидан барча чоралар кўрилади. Чунки Марказий сайлов комиссиясининг бутун фаолияти сайлов тизимининг демократик принципларини амалга оширишга кўмаклашиш, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашга қаратилгандир.

— **Суҳбатингиз учун раҳмат.**

**"Hurriyat" мухбири Собиржон КАМОЛОВ суҳбатлашди.**

Хабарлар

## Зарурат ва ечимлар

Кеча республика «Жамият» газетаси муҳарририятида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетаси ҳамкорлигида «Журналист кадрларнинг малакасини ошириш ва ёш журналистларни тайёрлаш: ютуқлар, муаммолар, истиқболлар» мавзуида семинар ўтказилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида босма оммавий ахборот воситаларига жиддий талаблар қўйилмоқда. Шундай шароитда ходимларнинг ўз малакасини ошириши ва давр талаблари даражасида фаолиятини қайта ташкил этиши жуда муҳимдир. Семинарда журналистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда амалиёт-ўқув машғулотларининг аҳамияти ҳақидаги маърузаларнинг қизғин муҳокамаси бўлди. Ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессорлари, ЎзДЖТУ журналистика факультети олимлари, амалиётчи журналистлар иштирок этдилар.

Семинар сўнгида «Туркистон-пресс» НАА, «Жамият», «Бизнес вестник востока», «Uzbekistan Today» газеталари таҳририятлари қошида ташкил қилинган мастер-классларнинг тақдимоти ҳам ўтказилди.

**Мухбиримиз**

## Долзарб мавзулардаги мулоқот

Фарғона шаҳридаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан маҳаллий оммавий ахборот воситалари масъул ходимлари иштирокидаги семинарда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлини оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг қонуний асослари" мавзусида сўзга чиқди. Шундан сўнг Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисида сўзлаган «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» маърузасидан келиб чиқадиган журналистлар олдидаги вазифалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Семинар давомида «Унни бойитиш Миллий дастури»нинг болалар ва оналар саломатлигини мустаҳкамлашга ижобий таъсирини оммавий ахборот воситаларида кенгроқ ёритиш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Шунингдек, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари билан Болаларни эмлаш Республика Миллий тадбири мавзусида бўлиб ўтган мулоқот журналистлар учун янги маълумотларга бой бўлди.

**Солиҳ ҚАҲҲОРОВ, «Ҳуррият» мухбири.**

Муносабат

# Бугунги журналист масъулияти

***Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасини диққат билан тингладим, эртаси куни эса газетадан синчиклаб ўқидим. Юртбошимиз 16 йил ичида амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб, бугунги ҳаётимизнинг бўйи-бастини кўрсатиб берганда, "Хўш, бу ишларда менинг ҳиссам қандай бўлди?" деган ўй-хаёлимда чарх ураверди.***

Маърузада шундай дейилади: "Ватанимиз мустақиллигини қўлга киритиш қандай шароитда кечгани ҳақида яхлит, ягона ва холис кўз билан қараб баҳо берадиган жиддий таҳлил-тадқиқот ҳозиргача амалда йўқлигини афсус билан айтишга тўғри келади".

Бу ғоят адолатли сўзларга қўшилмасликнинг иложи йўқ. Биз юртнинг салобатини, унинг нақадар юксакликка интилиб бораётганини, меҳнатсевар халқимизни, ҳеч кимга ўхшамаган элимизни, бўлаётган ўзгаришларнинг моҳиятини ҳали-ҳануз тўлалигича очиб беролмаётганлигимиз ҳақиқат.

Тўғри, матбуотимизда ўтиш давридаги улкан ўзгаришлар, маънавият ва маърифат, одамларнинг мустақилликка муносабати ва биз ким эдик-у ким бўлдик деган фахрни юракда дарахтдай ўстириш йўлидаги мулоҳазаларимиз кенг ёритилди. Шунингдек, фаол демократик янгиланишлар, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, сиёсий ҳаётимиздаги ислоҳотлар ҳам ёзган турли жанрлардаги мақолаларимизда акс этди. Республика газеталаридан тортиб туман газетасиғача бу иш ҳали кўнглимиз тўладиган даражада ёки бўлмаса имкониятларимиз даражасида уддаланилмаётир.



Мен бир оддий журналист сифатида Юртбошимиз таърифлаганларидек, янги бир босқич олдида зиммамиздаги масъулият ҳақида сўз юритмоқчиман.

Мамлакатимиз раҳбари ўз маърузасида: "Ушбу босқичнинг муҳим дастурий вазифалари – сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, мустақил суд тизимини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдан иборатдир", дедилар.

Дарҳақиқат, ўртага жуда катта вазифалар қўйилди. Уларнинг ҳар бири амалга ошиши аниқ, чунки ҳар бир ҳаракатнинг пойдевори мустаҳкам қилиб қурилган, замини бақувват.

Бугунги одамларнинг тафаккури бутунлай ўзгарган, ҳаттоки эллик йил давомида шўро мафкурасида яшаган кексаларимиз ҳам бошқача фикрлайдиган бўлиб қолди. Ёшлар-ку янги замон кишилари бўлиб вояга етмоқда. Демак, журналист бугунги кунда шунчаки ахборот ёзиб, "фалон жойда фалон нарса қурилди, очилди ёки тадбир бўлди" қабилидаги сўзлар билан ҳеч кимни ҳайратга сололмайди. Ҳаёт бор экан, юксалиш бўлади, одамзот маънавиятга ва маърифатга, яхши турмуш тарзига интилиб яшайверади. Афсуски, баъзи муҳаррирларимиз "Газета – ҳаёт ойнаси" деган эски бир тушунчани ҳамон ёқлаб келади, натижада, юқорида айтганимиздек, хабар беришдан нарига ўтмайдиган мақолаларни газетанинг ҳар бир сонига қаторлаштириб бераверади. Келинг, "Фалон жойда янги мактаб очилди" деган хабарни шарҳлайлик. Яхши, мактаб очилган бўлса, нур устига нур, лекин, ҳамкасб, илгари шу мактаб қандай аҳволда эди, чакка ўтган хоналар, иситилмаган печкалар болалар кўнглини чўктирар эди. Шу мактаб нималар туфайли ўзгариб кетди, ниманинг шарофати, кимнинг ташаббуси билан бу иш бўлди? Жавобингизни сезиб турибман, Мустақиллик ва Юртбошимизнинг раҳнамоликлари туфайли! Албатта! Аммо, шундай экан, нега қиёсламаймиз, нега ўтган кун билан бугунги кунни таққосламаймиз? Кечаги кундан сабоқ олмайдиган одам бахтли бўла олмайди. Ҳаётнинг шу томонларини қаламга олсак, келажак равшан тортаверади. Мен газета ўз ўқувчисини мулоҳазага, мунозарага чорлайдиган мақолалар чоп этиши тарафдориман. Газетани ўқиган одам ақлини бир чархлаб олсин, хулосалар чиқаришга ўргансин. Бирон жойдаги яхши тажрибани, яхши одатни ўзига жорий этишга қизиқсин. Мустақиллик туфайли бўлаётган ўзгаришларни кўз билан ҳар қадамда кўриб турибмиз. Энди журналист бизга шу ўзгаришларнинг туб моҳиятини, кўнглимизда туғилиб, тилимизга кўчмаётган туйғуларни қоғозга солиб берсин. Сиз уни ўқиб мулоҳаза юритинг.

Иш тажрибамдан келиб чиқиб, шуни ишонч билан айтаманки, мустақиллик юртимиздаги ҳар бир инсон ҳаётидан, оиласидан, остонасидан аллақачон мустаҳкам ўрин олди.

Яна маърузага қайтамиз, ундаги мана бу сўзлар мени ўйлантириб қўяди: "Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимизнинг келажагини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келди". Хўш, мени нима ўйлантирди? Шу янги авлоднинг мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришлардаги ўрнини бўйи-басти билан қалам орқали кўрсатиб бера олармиканман? Ислоҳотлар ҳақида ёзганда юрагимиздаги ифтихорни одамларнинг юрагига етиб борадиган даражада етказа оламанми?

Бу – масъулият. Зеро, истиқлол жараёни ҳар бир қалам аҳлидан зийракликни, ҳушёрликни ва олдиндан кўра билиш заковатини талаб қилади. Шунинг учун ҳам ҳамма журналист бўлавермайди, ҳамма ҳам қўлига қалам олавермайди. Гап, албатта, иқтидорли журналистлар устида кетяпти.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш босқичида журналистнинг ёритиши керак бўлган мавзулари жуда ҳам кенгаяди. Айнан шу босқичда маънавий-маърифий ишлар юксак даражага эришиши, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллиги ошиши керак ва шундай ҳам бўлади. Демак, қаламга оладиган жиҳатлар кўнглингизда ўз-ўзидан туғилаверади.

Энди бир-икки оғиз гап туман газеталари ҳақида. Ўтган яқин давр ичида "Ҳуррият" газетаси бу мавзуда қизғин баҳслар уюштирди. Ҳамма фикр ва мулоҳазаларни бир жойга тўплаб шуни айтиш мумкин: туман газетаси керак! Фақат туман газетасининг обрў-эътиборини кўтариш, ўқишлилигини, фаоллигини ошириш ва воқеаларни тезкорлик билан ёритиш каби муҳим жиҳатларни шакллантириш лозим. Бугунги кунда республикамизда бундай талабларга жавоб берадиган газеталар кўп. Уларнинг тажрибасини оммалаштиришда ўтказиладиган турли тадбирлар қатори "Ҳуррият" газетаси ҳам ўйлайманки, яна янгидан-янги ижодий ва амалий ташаббуслар кўрсатиши жоиз. Бунинг учун ҳамма журналистларимиз, оммавий ахборот воситалари ходимлари бу газетани ўқишлари зарур.

Кўнглимда туғилган ўйларим, фикрларим сочилиб кетгандай туюлмоқда. Лекин бир нарсани аниқ айтишим керакки, Президентимизнинг "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли" маърузасида айтилган гаплар юрагимга масъулиятни яна ҳам мустаҳкамлади.

Дилимни бир савол қийнай бошлади. Бугунги журналист қандай бўлиши керак? У, албатта, биринчи навбатда Ватанимизнинг буюк келажагини, юртимизнинг порлоқ истиқболини, бугунги ўзгаришларини, эртанги ёруғ манзилларимизни қалб-шууридан ўтказиб беҳаловат яшамоғи, ёниб ижод қилмоғи шарт эканлигини ҳис қилдим.

**Ҳамид НОРҚУЛОВ, Ўрта Чирчиқ туман "Машъал" газетаси бош муҳаррири.**

Фаолият

# Таҳририятнинг ўз босмахонаси бор

***Жиззах вилоятининг "Жиззах ҳақиқати" — "Джиззакская правда" газеталари таҳририяти ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш бозор иқтисодиётининг энг муҳим талаби эканлигини аллақачон англаб етган. Молиявий аҳволни яхшилаб бориш учун эса газетанинг ўқишлилиги, сифатли безатилиши ҳамда реклама ва эълонларга катта эътибор бериш лозим.***



Обуна ишларида эса муассислар – Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлигининг амалий кўмагини алоҳида таъкидлаш керак.

Бундан бир неча йил аввал вилоят босмахонаси кимошди савдоси орқали сотилди. Шундан сўнг босмахонанинг баъзи қисмларини бузиб, қаёққадир олиб кетиш бошланди. Бу ҳолат таҳририят ходимларини бироз хавотирга солиб қўйди. Натижада, улар ўз ишлаб чиқариш цехини очиш ҳаракатини бошладилар. Бунинг учун таҳририят аввалдан етарли моддий базага эга эди. Жумладан, жамоа 2005 йилни 40 миллион сўм, 2006 йилни 53 миллион сўм фойда билан якунлаган эди.

Шундай қилиб, бошланган иш муваффақият билан охирига етказилди. Мана, таҳририятнинг русча нашри —"Джиззакская правда" газетаси 5 ойдирки, жамоанинг ўз ички имконияти ҳисобига ташкил этилган ишлаб чиқариш цехида чоп этилмоқда. Бу эса вилоят босмахонасига бериладиган маблағни тежаш имконини бермоқда. Яқиндан эътиборан эса "Жиззах ҳақиқати" газетасини ҳам таҳририятнинг ўз босмахонасида чоп этиш йўлга қўйилди. Ҳисоб-китоб қилиб кўрилганда маълум бўлдики, таҳририят ана шу йўл билан йил давомида анчагина маблағни тежаб қолиши мумкин экан.

Бундан ташқари, келгусида цехда бир қатор туман ёки тармоқ газеталарини чоп этиш имконияти ҳам бор. Китоб ва брошюралар нашр этиш, ҳар хил бланкалар тайёрлаш йўли билан бошқа мижозларни жалб қилиш мумкин. Демак, муҳарририят учун янги моддий манфаат эшиклари янада очилади.

Ҳозир таҳририятнинг ишлаб чиқариш цехида "Доминант 725 Р" русумли 2 та чоп этиш ускунаси ишлаб турибди. Таҳририят шу йўл билан қўшимча 8 та иш ўрни яратди.

Энг муҳими, таҳририят тадбиркорлик йўли билан топилган фойдани ижодий ва техник ходимларнинг моддий фаровонлигини яхшилашга сарфлаш ниятида.

**Дилдора ИСМОИЛОВА**




Дил сўзи

# Матбуотдан миннатдорман

*Ҳар куни ишни эрталабки газеталар мутолаасидан бошлайман. Энг сўнгги янгиликлар, дунё воқеалари, ҳуқуқий мавзудаги мақолаларни бир-бир ўқийман. Зеро, бугунги зиёли ҳаётини матбуотсиз тасаввур қилиб бўлмайди.*



Мустақиллик йилларида матбуотимизда миллий руҳ кучайди. Азалий қадриятларимиз, жонажон тарихимиз ҳақида баралла ёзиляпти. Бу борада, айниқса, “Ҳуррият” газетасининг ўрни бўлакча. Унда ҳаётга теран муносабат бор, муаллифлар доираси кенг, ўз сўзига, қиёфасига эга. Яна мамнун бўладиган томони шундаки, мустақиллик шарофати ила мамлакатимизда “Инсон ва қонун”, “Куч — адолатда” газеталари, “Huquq va burch” журнали каби ўнлаб ҳуқуқий нашрлар дунё юзини кўрди. Ана шулар қаторида бақамти қадам ташлаб келаётган республика Бош прокуратураси муассислигидаги “Huquq” газетасининг ҳам ўз обрўси бор. У бугунга келиб салкам 25.000 нусхада чоп этилмоқда.

Севимли газетамиз яқинда ўзининг 10 йиллик тўйини кенг нишонлади. Шу давр ичида жамоа юзлаб янги ижодкорларни кашф қилди. Айниқса, прокуратура тизимида фаолият кўрсатаётган ижодкорларни бир жойга тўплади.

Сўнгги вақтларда газетада таниқли ёзувчилар Пиримқул Қодиров, Тоҳир Маликларнинг долзарб мавзудаги мақолалари ва қиссалари, Ўзбекистон халқ артистлари Шуҳрат Аббосов ва Бахтиёр Ихтиёров билан мулоқотларнинг чоп этилиши ўқувчиларнинг ортишига сабаб бўлди.

“Huquq” мени ҳам бадиий адабиётга, ижодга етаклаб келди, десам муболаға бўлмас. Тўғри, бадиий ижодга ўқувчилик давримдан қизиққанман. Кейинчалик эса турли сабаблар билан бу қизиқиш шунчаки турмуш ташвишлари остида кўмилиб кетди. Аммо “Huquq”нинг пайдо бўлиши кул остидаги чўғнинг алангаланишига ёрдам берди. Унинг саҳифаларида берилаётган қизиқарли ҳикояларни ўқиб кўриб, кўнглимда ўзимнинг ёзганларимни ҳам унинг саҳифаларида чоп эттириш истаги пайдо бўлди. Шундай қилиб, биринчи қиссамни таҳририятга олиб келдим. Маъқул келди, шекилли, у “Қасоскор руҳ” номи билан газета юзини кўрди. Кейин эса қаторасига “Мудҳиш хотира”, “Чандиқли қиз”, “Қисмат” номли қиссаларим ана шу нашрда босилиб чиқди. 2006 йилда маънавий-маърифий мавзудаги мақолаларимга “Huquq”нинг биринчи даражали мукофоти берилди. Юртбошимизнинг Фармонига кўра, “Шуҳрат” медали билан тақдирландим. Элнинг назарига тушишимда, Ватан мукофотини олишимда ҳам матбуотнинг ўрни катта деб ҳисоблайман.

Бир сўз билан айтганда, “Huquq” мени кўпчиликка танитди. Республикамизнинг айрим жойларидан қиссаларимга муносабат билдирилган хатлар олдим. Энг муҳими, мен ундан кўп нарсаларни ўргандим, ўрганганларимни эса иш жараёнида қўллашга ҳаракат қилмоқдаман. Мен барча ўзбек матбуотини, жумладан, севимли газетамни ҳамиша шундай бўлиб қолишини истайман.

Қолаверса, “Ҳуррият” газетасининг ҳам доимий мухлисиман. Унинг янада ўқишли ва халқимизга энг манзур нашрлардан бири бўлиб қолишига тилакдошман.

**Гулнора ҲАМРОЕВА,**
**Жиззах вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи,**
**адлия маслаҳатчиси.**

# ННТлар фаолияти

## республикамизда бу масалага катта аҳамият берилмоқда

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида: "Очиқ ва кучли фуқаролик жамиятини бугунги кунда аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва кенг қатламлари манфаатларини ифода этадиган мустақил ва барқарор нодавлат нотижорат ташкилотлар, эркин оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг ривожланган тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди", деган фикрни илгари сурганди.***

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг пировард мақсади ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришдан иборат экан, бу ўринда Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлар шаклланаётган фуқаролик жамиятини асосий негизи ҳисобланади. Жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлар давлатнинг ишончли ҳамкори сифатида ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда давлатга ёрдам беради. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, нодавлат нотижорат ташкилотлар нафақат тор доирада фаолият олиб боради, балки кучли фуқаролик жамиятини қуришга интилаётган давлатнинг ижтимоий буюртмасини бажаради.

Маълумки, нодавлат нотижорат ташкилотларга давлатга қарашли бўлмаган, аммо маълум қонунлар ёки меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган тартибқоидаларга бўйсунган ҳолда фаолият кўрсатадиган ташкилотлар киради. ННТлар мақсад ва манфаатларига қараб бир неча гуруҳларга ажратилади. Касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари, маҳалла қўмиталари, Хотин-қизлар қўмиталари, турли жамғармалар, ҳукуматга қарашли бўлмаган ҳуқуқни ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, миллий-маданий марказлар ва бошқа бир қатор ташкилотлар шулар сирасига киради.

Бу ташкилотлар давлат томонидан маблағ олмасдан, фуқаролар, ёшлар, ижодкорлар фаоллигига таянган ҳолда, ихтиёрий равишда тузилади. Айрим ННТлар давлат томонидан маблағ билан таъминлаб турилиши ҳам мумкин.

Белгилаб ўтиш зарурки, ҳатто юқори даражада тараққий этган мамлакатлар ҳам ноҳукумат ташкилотлар фаолиятининг ривожланишига муҳтождирлар. Бу мамлакатларнинг ҳукуматлари бундай кўнгиллилар секторининг ривожланишини бюджет танқислигини камайтириш мақсадида қўллаб-қувватлайдилар. Кучли марказлашган ҳокимиятга эга бўлган мамлакатларда ҳам ноҳукумат ташкилотларнинг ўсиши қўллаб-қувватланади.

1999 йил 14 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунда: «Нодавлат нотижорат ташкилоти — жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларини (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилоти» сифатида таърифланади. Қонунда яна: «Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларги эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади», деган тавсиф ҳам берилган.

Сўнгги 50 йил ичида дунё миқёсида катта миқдорда ННТларнинг юзага келиши уларни таснифлаш ва таҳлил қилиш заруриятини келтириб чиқарди. Уларнинг дастлабки таснифи фақат фаолият кўлами билан ўлчаниб, халқаро, минтақавий ҳамда миллий гуруҳларга ажратилган. Хорижий ННТлар таҳлили асосан уларнинг юзага келиш хусусиятига таяниб, шахсий маблағларнинг келиб тушиши билангина ўлчанган. Шу сабабли улар оилавий, корпоратив ва коммунал гуруҳларга ажратилган.

Бироқ бугунги тажриба ННТларни бундай асосда таснифлаш етарли эмаслигини кўрсатиб бермоқда. Гуруҳларга ажратиш нафақат объект тизимини аниқлаштириш, балки ННТ объектини ўрганишда янги воситаларни аниқлаб олиш билан белгиланади. Юртимизда фаолият юритаётган ННТларни мақсад ва вазифалари, иштирокчилар сони, моддий-техника имкониятлари бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: ижтимоий уюшмалар, ижтимоий жамғармалар, ассоциациялар, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатда турли мақсадларни кўзлаган қатор ННТлар ўз фаолиятларини амалга оширишмоқда, бу эса аниқ ҳуқуқий бошқаришни талаб қилади. Республикамизда бу масалага катта аҳамият берилмоқда.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини эркин ривожлантириш, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш ва қондириш, муҳим ижтимоий аҳамиятга молик дастурларни бажариш борасида уларнинг фаолият самарадорлигини оширишни таъминлайдиган зарур меъёрий-ҳуқуқий база, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Июль-август ойларида Ўзбекистоннинг барча минтақаларида «Маҳаллий ҳокимият органлари ва ННТлар орасидаги ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Мазкур давра суҳбатларини Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, унинг жойлардаги филиаллари вилоят, туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда ташкил қилдилар.

Мустақил Ўзбекистон изчиллик ва собитқадамлик билан ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар йўлидан боряпти. Бу ўзгаришларнинг асосий мақсади — жаҳон сиёсий тизимига бирлашган юқори даражада ривожланган ижтимоий йўналишга қаратилган ҳуқуқий демократик давлат тузишдан иборат. Шу боис мазкур жараёнда ҳар бир шахс, ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши юртимиз мустақиллигини мустаҳкамланишига олиб келади.

**Хайрулла УМАРОВ,**
**Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти эксперти.**

**Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: «Демократик жамият қурилишида аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш ва фуқароларнинг фаоллигини ошириш масалалари».**

# Япониялик меҳмонлар баҳоси

***Мамлакатимизнинг хорижий ҳамкорлар билан таълим соҳасидаги алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Чет эллик ҳамкорларни мамлакатимиз таълим муассасаларида олиб борилаётган ислоҳотлар, соҳада амалга оширилаётган катта ўзгаришлар бефарқ қолдирмаяпти.***

Юртимизга келган Япониянинг Нагоя университети юридик факультети талабалари бир неча кун давомида республикамиз таълим тизимидаги ислоҳотлар билан танишдилар. Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тизими ва юридик клиника амалиётини ўрганиш мақсадида келган япон делегацияси мамлакатимиздаги нуфузли олий ўқув юртларидан бири саналган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (ЖИДУ) қошидаги юридик клиникада бўлдилар.

Юридик клиника Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш Дастури (БМТРД) томонидан "Одил судловга имкон яратиш учун ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий саводхонлик" лойиҳаси доирасида ташкил этилган эди. Ўтган давр мобайнида клиника ҳуқуқий хизматдан фойдаланиш имконига эга бўлмаган аҳоли гуруҳига яқиндан кўмак бериб келмоқда.

Ҳуқуқий ёрдам марказ фаолияти билан танишув жараёнида япониялик талабалар бир қатор тренинг ҳамда маърузаларда иштирок этдилар. Ташриф сўнгида Кунчиқар юрт меҳмонлари Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетидаги таълим тизими, хусусан, юридик клиника фаолиятига юксак баҳо бердилар.

**Дилдора АВЕЗОВА**

2007-yil 10-oktabr | Mustaqil gazeta HURRIYAT O'zingni angla!

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТ УРГУТ ТУМАНИДАГИ “КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД-ИШОНЧ” МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ АҲЛИ

**Ватандошларимизни арафадаги муборак айём —**

## Рамазон ҳайити

**байрами билан кутлайди.**





Юртимиз тинч, халқимизнинг дастурхони ҳамиша тўкин, файз барокатли бўлсин!

**Яратганнинг ўзи эзгу амалларимизни ижобат айласин!**

# «Наманганпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси

Жаннатмакон Ўзбекистонимизнинг аҳолисини, барча пахтакору заҳматкаш деҳқонларимизни халқимизнинг қутлуғ айёми —

## РАМАЗОН ҲАЙИТИ

билан самимий муборакбод этади.





**Ватанимиз осмони доимо мусаффо бўлиб, барча-барчага сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик, оилавий бахт-саодат ёр бўлсин!**

Саломатлик

# Темир моддаси инсон учун жуда муҳим

*XX асрга келиб инсониятни темир танқислиги касаллиги безовта қила бошлади. Мутахассислар олдида қонда темир моддасининг камайиб кетиши ва етишмаслигига қарши қандай курашиш мумкин, деган савол кўндаланг бўлди. Камқонлик ва темир танқислиги касаллигининг ўзи нима? Темир моддаси инсон танаси учун қанчалик муҳим?*



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига эътибор берадиган бўлсак, дунёда 2 миллиардга яқин кишилар камқонликдан азият чекадилар. Шундан 1,8 миллиард киши, яъни 90 фоизи темир танқислигидаги камқонлик касаллигига дахлдордир. Ана шу хусусда суҳбатдошимиз — сирдарёлик олий тоифали гематолог врач **Абдураззоқ АВАЗОВ** маълумот берди.

—Темир моддасининг камайиб кетиши ва етишмаслигига сабаб бўлган касаллик ҳолати темир танқислигидаги камқонлик дейилади. Инсондаги темир моддасининг моҳияти тўғрисида сўзласак, темир инсон организми учун энг керакли манба бўлиб, мураккаб физиологик жараёнларда иштирок этади ва энг муҳим вазифаларни бажаради. Темир моддасисиз инсон организмини тасаввур қилиш қийин. Одам организмида 4-5 граммга яқин темир моддаси бор.

Инсоннинг темир моддасига бўлган эҳтиёжи унинг жинси, ёши, тана тузилиши кабилардан келиб чиқади. Одам танаси учун темирнинг бир кунлик эҳтиёжи 33 миллиграммни ташкил қилиб, бу эҳтиёжнинг 31 миллиграммини одам организмининг ўзи етказиб беради. Бу мувозанат бузилса ҳам темир танқислигидаги камқонлик келиб чиқади ва ривожланади. Темир моддасига бўлган эҳтиёж организмда тўлиқ қопланмаса камқонлик ривожланади ва авж олади. Овқатлар қанчалик темир моддасига мўл бўлмасин, инсон организми ўзига керакли 2-2,5 миллиграммдан ортиқ темирни қабул қила олмайди.

**— Сўнгги йилларда матбуотда темир моддаси билан бойитилган ун ҳақида кўп гапириляпти. Темир танқислигини даволашда бойитилган ун маҳсулотларининг таъсир салмоғи қай даражада бўлади?**

— Камқонликни даволашдан кўра унинг олдини олиш осон ва арзон. Олинган натижалар асосида 2001 йилдан темир танқислигининг олдини олиш мақсадида буғдой унини темир моддаси билан бойитиш бўйича халқаро дастур ишлаб чиқилди. Мазкур дастур 2005 йилдан бошлаб Осиё тараққиёт банки орқали Япония халқаро жамғармаси маблағлари асосида барча Марказий Осиё давлатларида амалга оширилмоқда.

2005 йилнинг август ойида мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган «Унни бойитиш бўйича Миллий дастурнинг амалга оширилиши борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон темир танқислиги муаммосини бартараф этиш борасида улкан қадам бўлди. Унни темир билан бойитиш узоқ муддатли усул бўлиб, уни йиллар мобайнида қўллаш мумкин, бу эса аҳоли томонидан қўшимча харажатни, овқатланиш рациони ва урф-одатларини ўзгартиришни талаб этмайди. Шу билан бирга қулай ва энг мақбул усулдир.

**— Мутахассис сифатида темир моддаси танқислигидаги камқонликдан азият чекаётганларга қандай овқатланиш тартибини тавсия этилади?**

— Аввало, истеъмол қилинаётган маҳсулотларда темир моддаси, микроэлементлар етарли даражада бўлиши керак. Темир, асосан, кўкатлар, сабзавотлар, мевалар, полиз ва сут маҳсулотларида бўлади.

Шарқ халқлари, одатда, чой ичишни яхши кўради. Айнан чой организмдаги темир моддасининг сўрилишини пасайтиради. Чой, кофе, какао таркибидаги танин моддаси темир моддасининг қонга сўрилишини сусайтиради ҳамда қаршилик кўрсатади. Шу боис ҳам чой, кофе ёки какаони овқатдан 1-2 соат кейин ичиш тавсия этилади. Овқат вақтида чой ўрнига ўрик шарбати, компот ёки қайнатилган сув ичиш мумкин. 3 ёшгача бўлган болалар организмида чойга эҳтиёж йўқ, зарари эса беқиёс. Афсуски, бу оддий ҳақиқатни кўпчилик тушунишни истамайди.

**— Касалликнинг умумий белгилари ҳақида тушунча берсангиз.**

— Инсон танасида темир моддаси етишмаганда таъм сезиш бузилади, беморларда кесак, бўр, кўмир, қоғоз, тухум пўчоғи, хом хамир, чой шамаси, хом макарон, ош тузи, тиш порошоги ёки пастаси, кальций глюканат каби нарсаларни истеъмол қилишга эҳтиёж кучаяди. Ҳид сезиш қобилияти ҳам бузилиб, бензин, керосин, ацетон, тутун, бўёқлар, тупроқ, тамаки, зах тупроқ, баъзи гуллар, кўкатларнинг ҳидларини ёқтирадилар.

Темир моддаси танқислиги камқонлигида мия тўқималаридаги хужайралар таркибидаги ферментлар шикастланади (унинг шаклланишида темир моддаси иштирок этади), натижада, нейронлар ривожланиши бузилади, оқибатда болаларда ўқиш қобилияти, хотираси пасаяди, ақли заиф ўсади.

**— Сиз хизмат қилаётган Сирдарё вилоятида бу борада аҳвол қандай?**

— Бугунги маълумотларга кўра, ҳозирги кунда Сирдарё вилоятида туғиш ёшидаги аёлларнинг 0,02 фоизида темир моддаси танқислиги мавжуд. Уни бартараф этиш, олдини олиш мақсадида мамлакатимизда, шу жумладан, вилоятимизда камқонликка қарши бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҚВПлар томонидан камқонликнинг олдини олиш мақсадида фертил ёшдаги аёллар, ўсмир қизлар ва 2 ёшгача бўлган болаларга темир моддаси препаратлари тарқатиляпти. Темир моддаси танқислигида тартибли, кам-кам 5-6 маҳалгача овқатланиш тавсия этилади, истеъмол қилиш ҳажми ўртача бўлиши, киши тўйиб овқат емаслиги керак. Овқатланиш рационига гўшт, балиқ ва дуккакли маҳсулотлар, қуруқ мевалар, кўкатларни киритиш лозим. Қиш ойларида эса ўрик, шафтоли, гилос, олма ва беҳи қоқисидан компот, шарбат истеъмол қилиш фойдалидир.

Илгари бойитилган ундан тайёрланган нон маҳсулотларининг катта қисми Тошкент шаҳрида ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда бу амалиёт республикамизнинг барча вилоятларида жорий этилмоқда. Демак, темир моддаси танқислигига мойил аҳоли қатлами бойитилган ундан тайёрланган маҳсулотларни ҳам дўконлардан бемалол харид қилишлари мумкин. Зеро, темир моддсига бой уннинг нони — саломатлик гаровидир.

**Дилфуза ЖАРБЕКОВА суҳбатлашди.**

## Нобель мукофотига асосий даъвогарлар

**Адабиёт йўналишида Нобель мукофотининг 2007 йилдаги ғолиби номи эртага эълон қилинади. Ҳар гал Нобель мукофоти қўмитаси томонидан танлов якуни эълон қилиниши арафасида турли баҳс-мунозаралар авж олади.**



Хабарингиз бор, 2006 йили адабиёт йўналишидаги Нобель мукофоти турк ёзувчиси Ўрхон Памукка берилган эди. Ўшанда Ladbrokes компанияси ғолиб номини олдиндан топа олганди. Ўтган йилги муваффақиятдан руҳланган компания бу сафар ҳам ғолибликка асосий даъвогарлар рўйхатини тузган. Ушбу рўйхатнинг олдинги қаторларида итальян ёзувчиси Клаудио Магрис, австралиялик шоир Лес Мюррей ва америкалик адиб Филип Рот номи қайд этилган. Бундан ташқари, номзодлар орасида эстон шоири Яан Каплинский, Америка ёзувчиси Дон Делило, Исроил ижодкори Амос Озлар ҳам бор.

Дараклар

## Деҳқонлар учун... компьютер

**Хитойнинг Lenovo компанияси Tianfu деб номланган компьютерларни савдога чиқарди. Мамлакат деҳқонларига мўлжаллаб арзон нархда ишланган компьютер 2000 юань ёки 270 АҚШ доллари туради.**



Tianfu замонавий Windows XP тизимига мосланган бўлиб, 500 мегагерц частота ва 256 мегабайтли тезкор хотирага эга.

Янги компьютернинг муҳим жиҳати, уни клавиатурасиз махсус ишланган сенсор пластина ёрдамида ҳам бошқариш мумкин. Маълумки, Хитой алифбоси мураккаб иероглифлардан ташкил топган. Сенсор пластина эса оддий деҳқонларга ана шу иероглифларни осонлик билан теришга кўмак беради.

ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАР

GLOBUS

INTERNATIONAL LIFE

## Мьянмада яна интернет ишлай бошлади

**Маълум танаффусдан кейин Мьянмада бутунжаҳон компьютер тармоғи ишлай бошлади. Интернетга кириш имконияти бир ҳафта олдин чегараланган эди.**



Расмийлар томонидан халқаро компьютер тармоғининг ишламаслиги сув ости кабеллари зарарлангани билан изоҳланганди. Халқаро кузатувчилар эса бу ҳолатни дунё аҳли мамлакатда давом этаётган сиёсий инқироз ҳақида хабардор бўлмаслиги учун атайин қилинган ҳаракат сифатида баҳолашди.

Эътиборли томони, Мьянмада интернет ишлай бошлаши БМТ ҳузуридаги Халқаро телекоммуникация иттифоқи томонидан виртуал маконни чегаралаш мумкин эмаслиги тўғрисида баёнот берилган пайтга тўғри келди.

## Кіанинг юз мингинчи автомобили

**Кіа компаниясининг Жилина (Словакия)да жойлашган заводи ўтган ҳафта ўз тарихидаги юз мингинчи автомобилни сотувга чиқарди.**



Cee'd русумидаги юбилей машинаси тақдимотида Жанубий Кореянинг Кіа корпорацияси ўз фаолиятини дунё миқёсида кенгайтириб бораётгани таъкидланди.

Корпорация ушбу русумдаги автомобилларни Словакияда ўтган йилдан бери ишлаб чиқаради. Корпорациянинг Европа бўлимлари бўйича вице-президенти Жан-Чарльз Ливенснинг маълум қилишича, жорий йилдан бошлаб Cee'd нинг уч эшикли модели ишлаб чиқарилиши режалаштирилган.

Эслатиб ўтамиз, Жанубий Корея томони Словакияда автомобиль заводи қуриш учун бир миллиард евро миқдорида сармоя сарфлаган. Корхонанинг режадаги йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 300 минг автомобилни ташкил этади.

## Россия янги радиолокацион марказ қурмоқчи

**Россия Фин қўлтиғида радиолокацион станция ҳамда парвозларни бошқариш марказини қуришни режалаштиряпти. Расмий баёнотга кўра, янги тизим эстон ва фин ҳаво ҳудудида Россия жанговар самолётлари парвози пайтида юз бераётган қоидабузарликларни камайтиришга хизмат қилади.**



Фин ва эстон оммавий ахборот воситалари эса радиолокацион марказ қурилишини Россия томонидан Шимолий Европа газ қувурларини ҳимоя қилишга уриниш сифатида баҳолаган.

Марказ Болтиқ денгизининг Гогланд оролида бунёд этилиши режалаштирилган. Янги объект бир неча юз километр радиусдаги ҳаво кенглигини назорат қилиш имконини беради. Зарур ҳолатларда марказ жанговар ҳаракатларни бошқаришда ҳам фойдаланилиши мумкин.

Эстония денгиз қирғоғидан 55 километр масофада жойлашган Гогланд оролида айни пайтда Россиянинг ҳудудий сув йўлларини кузатиш маркази фаолият олиб боради.

Шарҳ

# Қимматга тушган ғирромлик

### Siemens концерни билан боғлиқ маҳкама жараёни кўпга чўзиладиганга ўхшайди

"Siemens" савдо белгиси бутун дунёда тан олинади. XIX асрда асос солинган концерн кишилик жамияти учун шу қадар кўп янгиликлар туҳфа қилдики, Siemens деган номнинг ўзи юқори сифат, ишончли ҳамкор каби бирикмалар билан деярли бир маънода ишлатиладиган бўлди. Лекин ишонган тоғда кийик ётмас деганлари рост чоғи, концерн бир неча юз йил давомида мисқоллаб йиққан обрўсини бир лаҳзада йўққа чиқараёзди...

Ҳаммаси 2005 йили Швейцарияда Siemens концернига қарашли бўлинмалардан бирида ноқонуний пул ўтказилиши аниқланганидан кейин бошланди. Дастлаб кунда-кунора рўй берадиган қоидабузарлик бўлиб туюлган ушбу ҳодиса дунёнинг 190 дан ошиқ давлатида ўз ваколатхонасига эга бўлган концерн учун катта йўқотишлар олиб келди. Концерн хусусида шов-шув ва мишмишлар кўпайганидан кейин Германия солиқ идоралари ҳам Siemens фаолиятини текширишга киришди. Биргина Германиянинг ўзида концерннинг 30 дан ошиқ идораси тинтувдан ўтказилди. Текширув жараёнида Siemensнинг Мюнхен шаҳридаги марказий идораси ҳамда бош директор Клаус Клайнфельднинг офиси ҳам эътибордан четда қолмади. Концернни ноқонуний пул ўтказмаларини амалга оширишда айблаган немис полицияси беш нафар ходимни ҳибсга олди.

Германияда очилган жиноят иши занжирсимон реакциянинг бошланиши бўлди. Siemens билан боғлиқ ишга Швейцария ва Италия ҳуқуқ идоралари ҳам қўшилди. Маълум бўлишича, концерннинг зикр этилган давлатлардаги ходимлари тендер шартномаларида ютиб чиқиш учун мансабдорларни пора эвазига сотиб олишган. Масалан, Италияда 80 миллион евро миқдоридаги маблағ маҳаллий амалдорларни оғдириш учун сарфланган. Концерннинг банк ҳисоб рақамидан сохта фирмалар номига ўтказилган маблағлар накд пулга айлантирилиб, катта миқдордаги буюртмаларга мутасадди бўлган раҳбарларга берилган.



Siemens ишига кўп ўтмай Греция ҳуқуқ идоралари ҳам қўшилди. 2004 йилда мазкур мамлакатда ўтган Олимпиада ўйинларида немис концерни асосий ижрочилардан бири бўлган эди. Грек ҳуқуқ идоралари ана шу шартномаларни текширишга киришган бир пайтда Венгрияда яна бир можаро юзага чиқди. Венгрия полицияси Siemens мамлакат мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий объектларни таъмирлаш буюртмасини олиш учун мансабдорларга пора берганини тасдиқлади.

Кузатувчилар Siemens билан боғлиқ жиноий иш Европанинг яқин тарихидаги энг йирик маҳкама жараёни бўлиши мумкинлигини айтишмоқда. Ҳақиқатан ҳам, йирик концернга қарашли ўнлаб бўлинмаларнинг бирин-кетин терговга жалб этилаётгани бу жараён ҳали-бери тўхтамаслигидан далолат бермоқда.

Мюнхен суди ўтган ҳафта Siemens билан боғлиқ жиноий ишлардан бирини кўриб чиқди. Концерн ноқонуний тўловларни амалга оширгани учун 201 миллион евро миқдорида жаримага тортилди. Siemens раҳбарияти жарима тўғрисидаги қарор билан баҳслашиб ўтирмади. Белгиланган жаримадан ташқари солиқ идорасига қўшимча 179 миллион евро тўлашга тайёрлигини ҳам изҳор қилди. Бироқ бутун Европада овоза бўлган коррупция билан боғлиқ иш бир марталик жарима ёки тўлов билан ёпилиши амри маҳол.

Siemens фаолияти билан боғлиқ текширувлар ҳозир ҳам давом этмоқда. Бу борада суриштирув ва тергов ҳаракатлари бир вақтнинг ўзида турли мамлакат идоралари томонидан олиб бориляпти. Ўтган давр мобайнида Siemens иши бўйича бир қанча шахс ҳибсга олинди, ўнлаб офислар тинтув қилинди. Текширувлар тўлқини Siemensнинг президенти ва кузатув кенгаши раисини ҳам ишдан кетказди. Бироқ ғирромлик ва ноҳалол фаолият ўрнини тўлдириш учун катта раҳбарларнинг истеъфоси ҳам кифоя қилмади.

Немис концерни фаолиятига дахлдор текширувлар шу тахлит давом этадиган бўлса, йўл қўйилган ғирромлик жуда қимматга тушиши турган гап. Йўқотилган молиявий маблағлар, жарималар ўрнини қоплаш мумкиндир, лекин бой берилган нуфуз ва обрўни тиклаш қийин кечиши шубҳасиз. Негаки, ҳозирданоқ нуфузли компаниялар Siemens билан ҳамкорлик битимлари имзолашга иккиланиб қолишмоқда.

**Собиржон ЁҚУБОВ**

Обуна — 2008

**Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари**

**ДИҚҚАТИГА!**

*«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси ва Ҳамдўстлик мамлакатларининг вақтли нашрларига 2007 йил учун обунани расмийлаштириш давом этаётганлигини ҳамда 2008 йил учун обуна мавсуми бошланганлигини маълум қилади.*

*Вақтли нашрларга обунани расмийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг барча алоқа бўлимларида, «Матбуот тарқатувчи» АКнинг обуна қабул қилиш бўлимлари ва компания таркибидаги шўъба корхоналари ҳамда масъулияти чекланган жамиятларда Сиз учун қулай бўлган вақтда амалга оширилади. Нашрларнинг барвақт етказиб берилиши ва мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилиши кафол тланади.*

**Сизни ана шу ҳақда қизиқтирган саволлар бўйича қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин: 133-08-34, 134-85-99**

# «O`ZULGURJISAVDOINVEST» АССОЦИАЦИЯСИ

## РЕСПУБЛИКА «OZIQ-OVQAT MOLLARI» ОАЈ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз аҳолисини яқин кунлар ичида қарши
оладиган қадрли айёмимиз —
Ийд-Рамазон байрами билан табриклайди.

Барча-барчага сиҳат-саломатлик,
бахт ва омад, юртимиздаги
ҳар бир хонадонга эса
қут-барака тилаймиз.



## ҲУРМАТЛИ ҲАМЮРТЛАР!

### АТБ "ПАХТА БАНК"

ЖАМОАСИ БАРЧАНГИЗНИ
МУҚАДДАС ИЙД-РАМАЗОН
БАЙРАМИ БИЛАН ҚУТЛАЙДИ.

Сизлар учун ноёб
манфаатлар бой берилмайдиган ҳамда ишончли
**«Мукофот»** ва **«Манфаат»**
муддатли омонат турларини таклиф этади!

| | |
|---|---|
| «Мукофот»га **1** ойдан **3** ой муддатгача 100 000 сўм бошланғич бадал қўйинг ва олдиндан **25%** (йиллик) **соф даромад** олинг! | «Манфаат»га **3** ой муддатга 100 000 сўмлик бошланғич бадал қўйиб, **24%** (йиллик) **соф даромад** олинг! Фоизлар ойма-ой тўлаб борилади. |

Омонатга қўйган пул маблағларингиз
«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини
кафолатлаш фонди»
томонидан кафолатланади.

«ПАХТА БАНК» — Сизнинг
доимий даромад манбаингиз!


## «Пахта банк»га халқаро рейтинг берилди

2007 йил 1 октябрь куни АТ «Пахта банк» Ўзбекитон Республикаси тижорат банклари ичида биринчи бўлиб Fitch Ratings халқаро рейтинг компаниясининг тўлиқ халқаро рейтингини олишга муваффақ бўлди. Fitch Ratings халқаро рейтинг компанияси «Пахта банк»га қуйидаги рейтингларни берди: «В-» эмитент дефолтини узоқ муддатли рейтинги («ЭДР»), прогнози «Барқарор», «В» қисқа муддатли ЭДР, «D/E» шахсий рейтинги, «5» қўллаб-қувватлаш рейтинги ҳамда «В-» узоқ муддатли ЭДР қўллаб-қувватлаш.

«Пахта банк» томонидан инвестиция даражасининг халқаро рейтингини олиниши хорижий инвестицияларни жалб этиш, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш юзасидан янги имкониятларни очади.


Барча юртдошларимизни
муқаддас байрамлари-
миздан бири —

# Рамазон ҳайити

билан чин дилдан
табриклаймиз.
Кўнгилларни эзгулик,
шодлик, шукроналик
ва умид туйғулари
тарк этмаслигига
тилакдошмиз.

"ЎЗВИНОСАНОАТХОЛДИНГ"
КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

# Бухорои шариф мадҳида

Мутолаа

***Таниқли шоир, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилоят бўлимининг масъул котиби, устоз Тошпўлат Аҳмад учун 2007 йил ниҳоятда омадли келди. Бутун ҳаёти давомида элимиз ва адабиётимизга қилган холис хизматлари учун у Юртбошимиз Фармонига кўра «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди. «Шарқ» нашриётида эса адибнинг «Шарқ гавҳари» номли сайланма китоби нашр этилди. Мазкур китоб шоирнинг қарийб қирқ йиллик назмий ижоди — шеърлари, ғазаллари, достонлари ҳамда тўртлик ва саккизликларидан саралаб тузилган гулдастадир.***

Китобни варақлар эканмиз, шоир илҳомининг туб манбаи кўҳна ва навқирон Бухоро, унинг бой ўтмиши ва шукуҳли бугуни ҳамда меҳнаткаш ва бунёдкор халқи эканига ишонч ҳосил қиламиз. Дарҳақиқат, Бухоро — Самарқанд, Хива, Тошкент каби шаҳарлар қаторида ўзбек халқининг меъморий даҳоси ва нодир шаҳарсозлик истеъдодининг ёрқин исботи сифатида жаҳон аҳлининг ҳайрату таҳсинига сазовор бўлиб келаётган гавҳар шаҳардир.

Мана, қирқ йилдирки, баайни булбул безавол бўстонга мадҳия ўқиганидек, Т. Аҳмад Бухоро ҳақида тўлиб-тошиб, бисотидаги энг гўзал ва жарангдор сўзлар билан турфа оҳангларда куйламоқда:

*Айтаверсам оқиб келади*
*Рангин-рангин ҳаяжон, ҳислар.*
*Тонг нуридай балқиб келади*
*Ифор-ифор дурахшон сўзлар.*

«Бундай муқаддас шаҳар ҳақида ёзиш — бахт! Бундай муқаддас шаҳар ҳақида ёзмаслик — армон!» — дея таъкидлайди Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов «Сайланма»га ёзган сўзбошисида. — Бухорони ўз ижодининг илҳом манбаи деб билган истеъдодлар сафининг бошида улкан сўз санъаткори Садриддин Айний турса, бу қутлуғ анъананинг бугунги кундаги муносиб давомчиси, сўзсиз Тошпўлат Аҳмаддир».

Шоир она шаҳрига муҳаббатини турли тимсоллар, поэтик образлар орқали ифодалайди. Ранго-ранг гуллар барқ уриб очилиб ётган гулзорни эслатадиган тўпламдан жой олган қуйидаги сатрларга ҳам эътибор берайлик:

*Ҳой, қалдирғоч, баҳор элчиси,*
*Кел, кўзимга тухми райҳон эк.*
*Мен бехато ундирай, ўссин,*
*Унга меҳрим берай деҳқондек.*

Хўш, шоирнинг «ўз кўзида райҳон уруғи ундириб, ўстириш»идан мақсади не? Балки уни ёрига тортиқ этмоқчидир? Саволимизга жавоб шеърнинг кейинги бандларидан аён бўлади:

*Сўнг кўчириб бир-бир ўтқазай*
*Дала, боғлар, йўллар бўйига.*
*Кекса-ёшга узиб узатай,*
*Тортиқ этай севги тўйига.*

*Ки чулғасин деймам заминни*
*Райҳон ҳиди, райҳон ифори.*
*Ва тилагим: ҳар бир одамнинг*
*Райҳонгулдан бўлсин тумори.*

Тошпўлат Аҳмаднинг ғазаллари ҳамда Навоий, Бобур ва Машраб каби улуғ шоирлар ғазалларига боғлаган мухаммаслари мумтоз адабиётимизга эҳтиром ва муҳаббат ҳосиласидир. «Яссавиёна» туркуми Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» китобидан илҳомланиб яратилган. «Ҳар каломи инжудир авлиёларнинг» туркумига кирган шеърларида эса Увайс Қараний, Ҳасан Басрий, Имом Абу Ҳанифа, Боязид Бистомий, Робия Адавия ва бошқа улуғ шайхлар ҳаётидаги ибратли лавҳалар ва уларнинг ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган доно ўгитлари назмга солинган. «Бухорономa» достонида ҳам муаллиф




шаҳарнинг кўп асрлик тарихидаги асосий воқеаларни назм воситасида бир ипга тизиб чиқмоққа жазм этади:

*Хаёлда жонланар мозий*
*бетартиб,*
*Давронлар, карвонлар ўтар*
*саф тортиб.*
*Кечмишнинг шу сўнгсиз*
*денгизи аро*
*Излаганим сенсан,*
*она — Бухоро!*

Ўнлаб мутафаккирларни камолга етказган Бухорода бошқа вилоятларда яратилган дурдона асарлар моҳир ҳаттотлар тарафидан кўчирилиб, эъзозланган. Бобомиз Алишер Навоийнинг саъй-ҳаракати туфайли бир жилдда йиғилган Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Абдураҳмон Жомий каби сиймоларнинг ўз қўллари билан битилган табаррук дастхат мактублари асрлар давомида айни Бухоро шаҳрида кўз қорачиғидек асраб-авайлангани туфайли бизнинг давримизгача етиб келган. Олимлар тадқиқотига кўра, ўтмишда Навоийнинг улуғ «Хамса»си қўлёзма ҳолида энг кўп кўчирилган шаҳар Бухородир! Бундан шоирнинг ифтихор қилишга тўла ҳаққи бор, албатта:

*«Хамса»дан мавжланган*
*нурлар, жилолар,*
*Жиломас, киприкдан*
*томган тиллолар.*
*Асрлар мулкини асраб,*
*қалб аро*
*Ўчмас қилиб ёзган хаттот*
*Бухоро!*

Шоир Бухоро тарихи билимдони сифатида кўпинча ундаги ижодкорлар, баъзан ҳатто тарихчилар ҳам унчалик эътибор қаратмаган, аммо хоҳ илмий, хоҳ бадиий воситалар билан ўз муносиб баҳосини олиши лозим бўлган жиҳатларни ёритишга интилди. Бухорода сақланиб қолган тарихий обидаларнинг катта қисми XVI асрда яшаб ўтган ҳукмдор Абдуллахон даврида бунёд этилгани кўпчиликка маълум эмас. Замонавий тарих дарсликларида унинг бунёдкорлик фаолиятига етарли ўрин ажратилган, деб айтолмаймиз. Шўро даврида эса уни «реакцион Жўйбор шайхлари ҳомийси» сифатида қоралаш майллари устун эди. Т. Аҳмад «Чорбакр» достонида илк бор Абдуллахон шахсиятига янгича нигоҳ ташлайди. Достон бунёдкор ҳукмрон фаолиятини ҳаққоний акс эттиради. Шоир Абдуллахоннинг мамлакатни марказлаштириш ва ободонлаштириш, маданиятни юксалтириш учун амалга оширган улкан тадбирларини назарда тутиб, уни буюк давлат арбоблари Амир Темур ва Алишер Навоийга менгзайди:

*Амир Темур йўли эди сизнинг*
*ҳам йўл,*
*Меъморликда Навоийга*
*бердингиз қўл,*
*Фозилларнинг бошларидан*
*сочдингиз гул,*
*Абдуллахон, давлатли хон,*
*шараф сизга!*

Шоирнинг «Заъфарон нидолар» драматик достонида Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Усмон Носир каби улуғ аждодларимизнинг қалб изтироблари ажойиб бадиий восита, яъни ҳозирги замон тарихчисининг саволларига уларнинг жавоблари тарзида катта маҳорат билан тасвирланган. Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма театрининг «Заъфарон нидолар» достони асосида саҳналаштирилган «Фидойилар» драмаси йирик маданий ҳодиса сифатида эътибор қозонди. Бухоро театрининг Тошкентдаги гастроллари пайтида «Фидойилар» Муқимий театри саҳнасида намойиш этилиб, пойтахт томошабинлари ва театршуносларининг ҳам юқори баҳосига сазовор бўлди.

«Шарқ гавҳари» шеърият мухлисларига ажойиб тухфа, шоир ижоди билан кенгроқ танишиш учун имконият яратиб берувчи мазмундор «Сайланма»дир. Ундан баҳра олган ҳар бир қалбда эзгулик ва нафосат туйғулари зиёдлашса ажаб эмас. Зеро, домла Т. Аҳмад шеър ёзишдан мақсад инсоният аро эзгулик ва гўзаллик уруғини сочиш деб билади:

*Магар соҳир эсанг,*
*тилни тилга ула,*
*Моҳир шоир эсанг,*
*дилни дилга ула.*
*Дунёда тафаккур*
*чаманлари кўп,*
*Улардан гул йиғиб,*
*элни элга ула.*

Устозни «Сайланма» билан самимий муборакбод этиб, эзгу фаолиятлари яна узоқ йиллар давом этишини тилаб қоламиз.

**Ғулом КАРИМ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

Фарғона вилоят Олтиариқ туман Халқ таълими бўлими жамоаси

мамлакатимиздаги барча ўқитувчи ва мураббийларни, бутун халқимизни

Ийд-Рамазон байрами билан муборакбод этади.

Ана шу саодатли кунларда юртимизга тинчлик, барча-барчага омад ва бахт-саодат тилайди.



ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ STATE COMMERCIAL PEOPLE BANK
BANK XALQ BANKI

«Халқ банки»нинг Наманган вилоят бошқармаси жамоаси

Сиз азизларни муборак айём —
РАМАЗОН ҲАЙИТИ
билан самимий қутлайди ҳамда
қуйидаги банк хизматларини таклиф қилади:

- қисқа (3 ой, 6 ой) муддатларда 25 фоизгача даромад тўлаш шарти билан бўш пул маблағлари банк омонатларига қабул қилинади;
- дунёнинг исталган нуқтасидаги яқинларингиздан келаётган пул жўнатмаларини "Western union", "Contact" пул ўтказмалари орқали тез фурсатларда эгаларига етказиб берилишини таъминлайди;
- Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган уй жиҳозлари учун истеъмол кредитлари берилади.



Сизларга беминнат ва сифатли хизмат қилишдан бахтиёрмиз!

"Халқ банки"нинг Наманган вилоят бошқармаси маъмурияти.

18 октябрь — Самарқанд куни

# Абадий барҳаёт шаҳар

*Самарқанд деганда ҳар қандай инсоннинг ҳам қалбини ром этиб, умрбод ўзига мафтун қилиб қўядиган, бир кўрган одам, қани энди яна бир бор кўрсам, деб орзу қиладиган гўзал ва буюк шаҳар хаёлимизда намоён бўлади.*

**Ислом КАРИМОВ**

**1996 йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Самарқанд шаҳрини Амир Темур ордени билан мукофотлаш ҳақидаги Фармони эълон қилинди.**
**Шу йил 18 октябрда эса Самарқандда Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларига муҳташам ҳайкал очилди. Ана шу тантанада шаҳарга Амир Темур ордени топширилди ва буюк бобокалонимиз туғилган кунга 660 йил тўлиши муносабати билан шодиёналар бошланиб кетди. Шундан бери бу кун азим Самарқанд шаҳри байрами сифатида ҳар йили нишонланади...**



Маълумки, шу йил август ойида Шарқнинг мусаллам ва муаззам шаҳри ўзининг 2750 йиллик юбилейини нишонлади. Тўйга тайёргарлик муносабати билан бу ерда катта ҳажмда қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди, натижада, кўҳна маданият маркази қайтадан дунёга келгандек чирой очди. Таъбир жоиз бўлса, бу муборак гўша таниб бўлмас даражада янада гўзаллашди. Энди ҳар бир киши Ҳазрати Ҳизр масжидидан Руҳободга назар солганларида бунга тўла ишонч ҳосил қилишлари мумкин. Қадимий асрий биноларга янги ҳаёт бағишланди, улар замонавий шаҳарсозлик ва архитектура илми ютуқлари даражасида қайта таъмирланди. Айниқса, Шоҳизинда (Барҳаёт шоҳ) мажмуасида амалга оширилган ишлар марҳумлар руҳини ҳам, мухлислар кўнглини ҳам шод этди. Юбилей арафасида шаҳар ҳаётга ташна баркамол йигитдек жамол очган эди. Унинг бу ҳусни дунёнинг турли нуқталаридан ташриф буюрган меҳмонлардан тортиб, ватандошларимизни ҳам мафтун этади.

Ҳа, солномаларда бундан 3 минг йиллар олдин қайд этилган, тараққий этган цивилизацияга эришган кент сифатида эса 2750 йиллик шаҳар бугун озод ва обод юртимиз чиройига кўрк бўлиб бардам яшамоқда. Президентимизнинг Самарқанднинг 2750 йиллик тантаналарида сўзлаган маърузасида таъкидланганидек, «Амир Темур ва Самарқанд тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Албатта, бу буюк зот дунёнинг манаман деган бошқа шаҳарларини ҳам ўзига пойтахт қилиши мумкин эди. Лекин шавкатли бобомиз айнан Самарқандга меҳр ва ихлос қўйиб, уни жаҳондаги энг гўзал шаҳарлардан бирига айлантириш учун бутун борлиғини бағишлади».

Дарҳақиқат, бу даврнинг таъриф-тавсифи ҳар бир юртдошимиз шуурида ёрқин манзара касб этган.

Шуниси борки, Самарқанднинг пешонасига доим байрамлар, яхши кунлар ёзилавермаган. Унинг тарихида мудҳиш, қора кунлар ҳам кўп бўлган. XIII аср бошларида шаҳарга ташриф буюрган араб сайёҳи Ибн Батута мўғуллар босқинидан кейинги аҳвол жуда ночор эканини, фақат пастқам лойсувоқ уйларни-ю, вайрона иморатларни кўрганини ёзган. «Самария» китобининг муаллифи Абу Тоҳирхўжа — вафоти 1874 йил — (бу асарни тарихчи олим Абдулмўмин Сатторий (1904-1925) форс тилидан ўзбек тилига ўгирган. Садриддин Айний таҳрир қилган) «Манғит амирларининг биринчиси бўлғон Раҳимхон Самарқанд музофотини қўлга киритамен, деб келганда (1752 й) Самарқанд шаҳрида жон эгаси йўқ эди», деб ёзади.

Жами буюк шаҳарлар ёзуғида бўлганидек, фирдавсмонанд Самарқанд ҳам қанча талатўпларни бошидан кечирмади?! Унинг узун тарихи бўйлаб қадам-бақадам одимлаган киши турли ҳис ва кайфиятда унга интилган кўплаб фотиҳлар қисматига гувоҳ бўлиши мумкин. Уларнинг ёмон ният билан келганлари боши янчилган, эзгулик истаганларига эса абадий шараф ва обрў-эътибор насиб этган. Бу шаҳар ҳеч қачон таслим бўлмаган, унинг ғолиб руҳи доим барҳаёт яшаган.

Шунча таъриф-тавсифлардан сўнг табиий савол туғилади: Самарқанд буюклигининг сири нимада, бунча олийлик, бетимсоллик нимадан? Бу саволга жавоб сифатида жуда кўп омилларни санаб ўтсак бўлади: ҳавоси, суви, ери сингари табиий далиллардан тортиб, карвон йўллари устида жойлашгани, тақдири илоҳи-ю ва бошқа важлар кўрсатилиши мумкин. Уларнинг ҳар бирида қайсидир даражада ҳақиқат бордир, бироқ юқорида тилга олинган «Самария» китобида келтирилган бир тафсилот билан танишиб, боқийлик ҳақидаги тасаввурларимиз яна кенгайди. Китобда ёзиладики, шаҳарда қози бўлиб турган Муъизуддин Хожа Абди даруннинг адолати ва тўғрилиги шу даражада юқори эдики, «ўзининг отаси бир воқеа тўғрисида гувоҳлик бермоқчи бўлганда рад қилди ва «Сиз бизнинг кичиклик чоғимизда подшоҳлик солиғи берилмаган тоқдан меҳмон учун узум узиб чиқарган эдингиз, шунинг учун сизнинг тўғрилигингизга шубҳам бор», деди». Муҳитда қарор топган бу даражадаги ҳалоллик, адолат шаҳарни минг йиллардан бери шарафлаб келаётган сабаблардан бири эмасмикан? Зеро, бир вақтлар рубъи маскун (осмон ва ер оралиғи)нинг маркази бўлган шаҳарда «Куч — адолатда!» — деган ҳақиқатнинг пайдо бўлиши ҳам беҳуда эмас экан-да!

Мустақиллик йилларида Самарқанд мамлакатимизнинг иккинчи маданий-маънавий марказига айланди, ўзининг такрорланмас салоҳиятини баралла намойиш эта бошлади. Унинг бағрига муккаррам фарзандлари — имом Муҳаммад ал-Бухорий, Хожа Аҳрор Валий, Имом Мотуридий, Соҳибқирон Амир Темур, шоҳ ва олим Мирзо Улуғбекнинг улуғ тўйлари халқаро миқёсда кенг нишонланди. Самарқанд бугунги кунда замонавий саноат шаҳри ҳамдир. Кўплаб завод-фабрикалар, қўшма корхоналарнинг маҳсулотлари фақат ички бозорда эмас, дунёга маълуму машҳур бўлиб, экспортда ҳам юқори баҳоланмоқда. Самарқандда эндиликда кўплаб халқаро ташкилотлар ёки уларнинг бўлимлари фаолият олиб бормоқда, шаҳарда тез-тез халқаро анжуманлар ўтказиб турилади. Ўн йилдирки, очиқ осмон остида, қадимий обидалар қуршовида «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали бўлиб ўтмоқда. Унинг мавқеи йил сайин ошиб, иштирокчилари кўпайиб бормоқда. Тобора гўзаллашиб, чирой очиб кетаётган шаҳар меҳмонларга доим интизор.

... Ҳали одамларда ер тухум шаклида экани ҳақида тасаввур бўлмаган пайтда сайёрамизни дарёлар оқиб турадиган текислик йўсинида хаёлларига келтиришган ва уни бир ҳўкиз шохида тутиб туради, деб ўйлашган. Мазкур афсона ҳаммамизга маълум, номаълум жиҳати эса «Хўп, ҳўкизнинг икки шохи ернинг қайси нуқталарига тўғри келиб қолган?» деган саволдир. Ҳикоят қилишларича ўша замон билағонлари икки таянч нуқта сифатида Рим ва Самарқандни кўрсатган эканлар. Одамлар бу шаҳарлар тинч ва боқий туришини сўраб, Яратганга илтижо қилар эканлар. Бу ривоятдаги ҳақиқат шуки, бугунги кунда бу икки шаҳар инсониятнинг энг юксалган қадимий маданият бешиги сифатида тан олинган ва абадий барҳаёт шаҳарлар сифатида эътироф этилади. Бундай шараф Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида мислсиз ифтихор уйғотади.

**Ҳаким САТТОРИЙ**



*Қўлида гул, ўзи гул, ёноқлари гул,*
*Йўл қарайди малак, юраги тошиб.*
*Гуноҳи азимга қолмасми ахир,*
*Дилдорини куттирган ошиқ!..*

**Шамсиддин Садоий**

## Фикр

*Барча юкни кўтардим, аммо бурчдан оғирроқ юкни кўрмадим. Барча лаззатни тотиб кўрдим, аммо саломатликдан чуқурроқ лаззатни топмадим. Энг ширин лаззат соғ-саломатликда эканини англадим.*

**Луқмони ҲАКИМ**

## ХАНДАЛАР

Фермер мол дўхтиридан сўрабди:
— Менинг бир отим бор — ғалати бўлиб қолди. Бир қарасанг, тўғри юради, бир қарсанг, оқсоқланиб қолади. Нима қилсам бўларкин?
— Тўғри юрганида сотиб юборинг.

* * *

— Дадаси, айтинг-чи, қайси хислатим сизга кўпроқ ёқади?
— Уйқуга эрта ётишинг, хотин.
— Нима учун?
— Чунки ухлаб ётганингда сира пул сўрамайсан-да!

* * *

— Сиз чекасизми?
— Йўқ. Шунчаки вақтни ўлдириш учун тортиб тураман.
— Вақт шўрлик сизнинг қаршингизда нима гуноҳ қилиб қўйган?

* * *

— Азизим, карнавалга қандай ниқоб кийишимни маслаҳат берасан?
— Бунга эҳтиёж йўқ. Агар ясама соч киймасанг ва ясама киприк қўймасанг, шубҳасиз, сени ҳеч ким танимайди.

* * *

— Тушунмай қолдим, сен нега эрингдан нолийсан? Ахир у сенга ойлик-маошининг охирги чақасигача беради-ку?
— Гапинг тўғрику-я, лекин у кейин пулни карта ўйинида ютиб олади-да.

**Тўпловчи: Зебо АБДУҚОДИРОВА**

Учрашув

# “Мен дунёда бахтли аёлман!”

## Ўзбекистон халқ артисти, профессор Саодат Қобулова билан суҳбат

*Мусиқа санъатининг чўққиси опера ҳақида гап кетганда, “Буюк хизматлари учун” орденни соҳибаси Саодат Қобулова кўз олдимда гавдаланади. Унинг ўзи яхлит бир олам. Бетакрор овози билан халқнинг меҳр-муҳаббатини қозонган, сеҳрли қўшиқлари юракларни, дилларни ҳаяжонга солган хонанда ҳаётнинг машаққатию заҳматларини Яратганнинг “менга юборган инояти” деб билади. Буюк орзу-мақсадлари йўлида ҳар қандай қийинчиликдан ортга чекинмай қўшиқ айтишдан тўхтамади.*



– Мен дунёда бахтли аёлман. Шунчаки яшамадим. Умрим майда-чуйда нарсалар билан зое кетмади. Ижро этган қўшиқларимда юрагим уриб туради. Мен учун энг катта мукофот одамларнинг ишончи, – дейди мулойим табассум билан бугун 81 ёшни қаршилаётган Саодат ҚОБУЛОВА.

**– Телеэкранда сиз ижро этган “Бухоро ироқи”, “Самарқанд ушшоғи”, “Сарахбори оромижон” янграганда ҳали-ҳануз халқимиз сел бўлиб тинглашади, сизни эслашади, соғинишади. Саодат опа, айни пайтда нима юмушлар билан бандсиз?**

– Кечагина Алишер Навоийнинг “Сирож-ул-муслимийн” китобини ўқиб тугатдим. Ҳозир Атойини ўқияпман. Руҳим анча тетик. Ҳафтанинг чорак кунида устозларимдан олган сабоқларимни консерваторияда таҳсил олаётган талабаларга ўргатиб келмоқдаман. Устозлик фаолияти заргарлик санъатидан минг чандон нозикроқ ва мураккаброқ экан. Хонадонимиздан шогирдларимнинг оёғи узилмайди. Энг муҳими – қизларим, невара ва эвараларим қуршовида кун қандай ўтаётганини сезмай қоламан.

**– Опера ниҳоятда мураккаб санъат. Бу чўққини забт этиш учун жуда катта фидойилик талаб қилинади. Ўзбекнинг устоз санъаткори даражасига етишишингизга кимлар туртки бўлган?**

– Отам раҳматликни "Қобулжон сартарош" дейишарди, чиройли дутор чаларди. Ҳатто Марғилонда оркестр жамоаси тузишган. Биринчи бўлиб ўша жамоада Ҳабибийнинг “Мужғонларинг” ғазалини ижро этганимда, тадбирга ташриф буюрган ўша пайтнинг раҳбарларидан бири ўрнидан туриб, мени табриклади:

– Баракаллоҳ! Яхши қизим! – у Жўрахон Султонов ва Маъмуржон Узоқов томонга ўгирилиб сўзида давом этди: — Мен бу овозни аввал ҳам эшитганман. Лекин эслолмаяпман. Ҳа, айтгандек, баҳорда бўлиб ўтган Тошкентдаги мактаб ўқувчилари кўригида қатнашмаганмиди?

– Қатнашган, – жавоб берди Жўрахон Султонов.

– Ҳа, эсладим. Ўшанда ҳам шу кўйлакда эди, – кулди катта раҳбар. – Хўш, майли, демак, Жўрахон, бу қизга устозлик қиласиз. Истеъдод — халқнинг бойлиги, уни боғбон ноёб гулни парвариш қилгандек асраш керак. Нега Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро даврлари ҳали-ҳануз нур сочиб турибди. Улар буюк истеъдодларнинг қадрига етганлар. Ҳар бир қобилиятли одамнинг камолотига ёрдам беринглар, – деб қатъий тайинлабди. Тўкис кийинишим ва ўзимни эплаб олишим учун бир йигитдан икки кийимлик Марғилон атласи ҳамда қоғозга ўралган пул бериб юборишибди. Шу сабаб бўлиб, устозлар кўмаги билан Чайковский номли Москва давлат консерваториясида вокал ижрочилиги бўйича таҳсил олдим. Ўқиш тугагач, олийгоҳ тавсияси билан Муқимий номидаги мусиқали драма театрига ишга келдим.

**– Демак, энг гўзал операларни Муқимий номли драма театрида ижро этган экансиз-да...**

– Ўшанда театрда вилоятлардаги истеъдодларни йиғилиб, ниҳоят даражада кучли жамоа тўпланганди. Лутфихоним Саримсоқова, Турсуной Жаъфарова, Шаҳодат Раҳимова, Эътиборхон Юсупова, Маҳмуджон Ғофуров, Машраб Юнусов, Тамара Назарова сингари истеъдодлар билан ишлаш жуда марокли ва масъулиятли эди.

Менинг театрда биринчи ўйнаган ролим “Тоҳир ва Зуҳра”да Қамар ва Хоразмшоҳ қизи Моҳим бўлди. Қамар Парпи ҳофизнинг қизи бўлиб, менинг отамни Жўрахон Султонов ўйнадилар. Кейинчалик Собир Абдулла “Тоҳир ва Зуҳра” мусиқий драмасини яратгач, Зуҳра ролини ижро этдим. Ундан ташқари “Майсаранинг иши”да Ойхон, “Зайнаб ва Омон”да Ҳури, “Зулматдан зиё”да Гулнор, “Марварид изловчилар”да Лайло партияларини куйладим. Энг жозибали ва ҳаяжонли яратган образим дирижёр Мухтор Ашрафий ва режиссёр Э. Хильевич ёрдамида жило берилган Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” асари асосидаги “Дилором” операси бўлди. Бу опера 1958 йил 5 февралда биринчи марта саҳнага олиб чиқилганида бутун Ўзбекистонда катта байрам бўлиб кетди. Бир ойда беш-олти марта “Дилором” операси қўйилар, залда бўш жой бўлмасди. Одамлар йўлакда ўтиришарди. Ўшанда ўзбек мусиқа операси жаҳонга танилганди. Халқимиз 30 дан ортиқ ўзбек операсини билишарди. Бугунга келиб эса, афсуски, айрим ёшлар опера у ёқда турсин Саодат Қобулова кимлигини ҳам билмаслиги мумкин.

**– Сизнинг даврингиздаги томошабинлар опера санъатининг маъно-мантиғига етиб тинглашган. Нега бугунги баъзи томошабинлар “опера эшитишга тайёр” эмас? Ўзбек мусиқа операсини дунёга кўз-кўз қилиш пайти келмадимикан?**

– Санъатда мунтазам ижод жараёни давом этмаса, агар изчиллик билан янги-янги асарлар ўрганилмаса, агар олдинга оз бўлса-да, интилиш сезилмаса, қалбдаги чўғ сўна бошлайди, забт этилган чўққилар пастлашиб қолгандай бўлади ва мухлислар камая боради. Мақтанишга йўймангу, менинг назаримда, шу пайтгача “Дилором” операси каби кучли опералар кам яратилган. Ваҳоланки, бугунги мавжуд имкониятдан фойдаланиб, ўзбек операсини жаҳонга кўтарса бўлади. Тарғибот, ташвиқот ишларини олиб бориш муҳим, ойнаи жаҳонда кўрсатувлар уюштириш, фестиваллар ўтказиш керак, менимча.

Яқинда шогирдим Муяссар Раззоқованинг концертига тушиб, опера санъатининг кўплаб ихлосмандларини кўриб, дилдан қувондим. “Тоҳир ва Зуҳра”нинг қўйилганидан яна бир мамнун бўлдим. Энди ўзбек спектакллари ҳам йўқолиб кетмаслиги керак. Қолаверса, санъат ва маданиятга, театрга ғамхўрлик эътибор ҳеч қачон бугунгидек кучли бўлмаган.

**– Устозларингиз ҳақида гапирганингизда юрагингиз тўлқинланиб кетяпти. Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов сингари атоқли санъаткорлар назарига тушиш ҳаммага ҳам насиб этавермаган...**

– Устозларимнинг нафақат мени, балки бир қанча истеъдодли ёшларни бағрикенглик билан вояга етказишдаги улкан хизматларини эътироф этмасликнинг ҳеч иложи йўқ. Улар менга опера санъати билан бирга саҳнада ўзимни тутишни, одоб-ахлоқни, маданиятни, илму маърифатни ўргатдилар.

Яқинда устозим Жўрахон Султоновни хотирлаб, зиёрат қилгани Марғилонга боргандим. Қабристонга киришим билан устознинг қабрларини кўриб йиғлаб юбордим *(кўзига ёш олди)*. Бу дунё шундай — беш кунлик. Аммо одамнинг эзгу амаллари, хайрли ишлари, ижоди боқий экан. Устоз яратган санъат ҳеч қачон ўлмайди. Мен бунга ишонаман. Аммо ўзим қабристонга келишдан олдин икки тубгина арча олиб келиб, устозим қабрига экмаганимдан афсусланиб қайтдим. Яхшиларнинг охиратини обод қилмоқ савоб ишдир. Буни ҳеч қачон ёш авлод унутмаслигини истардим.

**– Саодат опа, сиздан илтимос, ҳали ҳеч кимга айтиб улгурмаган қалбингиз тубидаги яширин хотираларингиз билан ўртоқлашсангиз...**

– Етмишинчи йилларда Италияга борганимда энг катта орзуим “Ла Скала” театрида бўлиш эди, лекин, афсуски, бу театр ўша пайтда таътилда экан. Бу машҳур театрда бўлмаганим армон бўлиб қолди. Гастроль концертимнинг энг юксаги “Кремль театри”да берган концертим эди. Ўшанда бутун дунёдаги машҳур операчилар қатнашганди.

1960 йилга келиб бир қанча устозларимнинг дунёдан кўз юмиши қалбим оғриғига айланди. Турмуш ўртоғим Холхўжа Тўхтасиновнинг вафоти умримнинг аянчли кунлари бўлиб муҳрланди. У кишидан ҳам санъатимиз тарихида гўзал куйлар қолди. Аммо ҳаёт аччиқ айрилиқ ва ғуссаларга кон бўлса-да барибир гўзал. Яшаганинг сайин дунёга кўзинг тўймайди. Шарқ донишманд шоирларидан бири ёзган экан:

*Дунё — қадаҳ, фалак — соқий, ажал — май,*
*Халойиқ май ичар келиб пайдар-пай.*
*Бирон зот асло қочиб кетолмас,*
*Бу қадаҳ, бу соқий, бу майдан ичмай.*

Одамлар, бир-бирларига қўлидан келганича бу ҳаётда яхшилик қилмоғи керак экан. Чунки инсондан ана шу яхшилик, одамийлик қолади.

**Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.**

Газетанинг навбатдаги сони 24 октябрда чиқади.

"HURRIYAT" газетаси жамоаси "Turkiston" ва "Молодежь Узбекистана" газеталари бош муҳаррири ўринбосари **Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

HURRIYAT O'zingni angla! Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тел-факс: 136-53-38. Тел: 136-53-31, 136-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 136-56-38

Вилоят мухбирлари:

Бухоро — 8-365-715-30-57
Навоий — 8-436-321-28-77
Наманган — 8-369-412-31-54
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-367-374-81-53
Сурхондарё — 8-376-335-10-22
Тошкент — 8-370-762-16-86
Фарғона — 8-373-225-80-58

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 20.00
Топширилди — 00.40

Ⓡ — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-954 Т: 2266 2 3 4 5 6